

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Салимов Қувончбек Чори ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти

Аннотация: мазкур мақолада профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти, унинг тушунчаси, асосий йўналишлари, ўзига хос хусусиятлари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, ушбу йўналишдаги хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибалари ёритилган, профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш тушунчаси, профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятининг ташкилий асослари ва ҳуқуқий асослари.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида улкан ислохотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилинишини таъминлаш фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган ҳар қандай давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши, шахснинг, ҳуқуқ-тартибот ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлат ва унинг органлари билан вужудга келадиган муносабатларини, инсоннинг ҳаёти учун жуда муҳим бўлган соҳаларига аралашувлардан сақланишини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига уларнинг ўзидаги мавжуд восита ва усуллар орқали инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш вазифасини юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромонович айтиб ўтган “Янги Ўзбекистонни доно ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга қурамыз” шиорини ўз олдига мақсад қилиб олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари юқорида келтириб ўтилган вазифани масъулият билан амалга ошириб келмоқда.

Юридик психологиядаги асосий масалалардан бири, аввало, шахснинг мотивацион соҳаси ташқи муҳитдаги муайян омиллар билан ўзаро алоқадорликда ушбу шахс учун криминоген вазият яратиши мумкин бўлган ички шахсий шарт-шароитларни ажратиб олишдир. Баъзан салбий хулқнинг муайян шакллари шахснинг дастлабки эҳтиёжлари билан боғлиқ шарт-

шароитлардан узилган ҳолда якка-ю ягона манфаатга айланади. Фитна, ғийбат, тухмат, бошқаларга кўнгилсизликлар етказиш, жанжаллар – кўпинча шахснинг ўзини қарор топтириш ва ижтимоий фаоллигини намоён этишнинг бузилган шакли сифатида юзага чиқади. Бир қарашда бемаъни туюлган жиноятлар ҳам жиноятчи учун муайян маънога, шахсий аҳамиятга эга бўлади. Ҳар қандай жиноят жиноятчи шахсининг эҳтиёжи, манфаат ёки қарашлари билан муайян тарзда боғлиқ бўлади. Шахсдаги билим савиясининг пастлиги, онгнинг ривожланмаганлиги, содир этилаётган хатти-ҳаракатнинг оқибатини англай олмаслик, ўзини идора қила олмаслик, яъни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар инсонни ҳуқуқбузарлик содир этиш сари етаклайди. Оқибатда бундай одамлар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда шахсга қарши жиноятларни, яъни қотиллик, баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш каби инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши тажовузларни ўйламасдан, осонгина содир этадилар. Бундай тоифадаги шахслар меҳр-оқибат ва раҳм-шафқат каби фазилатларнинг йўқлиги, маънавий қашшоқлик натижасида ваҳшийлик билан инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли жиноятларни содир этадилар.

Илмий маълумотларга кўра, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг психологик мазмун ва моҳиятида шахснинг қизиқишлари ҳам ётади¹. Қизиқишлар инсон хулқ-атвори ва унинг мазмунини белгилайди ҳамда шахснинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда фаоллигини таъминлайди.

Шу боисдан айтиш мумкинки, ғайриижтимоий қизиқишлар болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида иштирок этади ва унинг амалга оширилиши учун ўзига хос ички куч, йўналиш вазифасини ўтайди. Бошқача қилиб айтганда, ғайриижтимоий қизиқишлар хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи ички куч сифатида намоён бўлиб, хулқ оғишининг пайдо бўлишига таъсир қилади ҳамда унинг амалга оширилишига хизмат қилади. Тадқиқотимизда (Ф.К.Исканжанова томонидан «Вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик муаммолари» мавзусидаги докторлик диссертацияси юзасидан ишлаб чиқилган «Вояга етмаганларда ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг ихтиёрийлик ёки бошқа таъсирлар натижасида содир этилганликни ўрганиш» бўйича ижтимоий-психологик сўровномаси) ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг ва қизиқишларнинг болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсирини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган ижтимоий-психологик сўровномадан фойдаланилди. Сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, ўрганилган 93 нафар респондентларда 56,48% ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар болалар ва ўсмирлар томонидан ўз ихтиёрига кўра содир этилган бўлса, 10,64%и тенгқурлари ёки бошқаларнинг таъсири натижасида, 8,24%и катталарнинг таъсирида, 4,39%и ота-она ва яқинлари ҳамда 11,84%и илгари судланган

криминал хулқли кишилар таъсири натижасида содир этилганлиги кузатилди. Респондентларга берилган сўровноманинг саволлари қуйидагича бўлган:

1. Сен ноқонуний хатти-ҳаракатингни ўз хоҳиш ва ихтиёринг билан амалга оширдим, деб ҳисоблайсанми? («Ҳа» ёки «Йўқ».)

2. Ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширишда ўртоқларинг ёки тенгқурларингнинг таъсири бор деб ҳисоблайсанми? («Ҳа» ёки «Йўқ».)

3. Ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширишингда катта ёшдаги қўшнилари ёки бошқа бировларнинг таъсири бор деб ўйлайсанми? («Ҳа» ёки «Йўқ».)

4. Ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширишда ота-онанг ва яқинларингни таъсири бор деб ўйлайсанми? («Ҳа» ёки «Йўқ».)

5. Сенинг танишларинг орасида илгари судланганлар борми? («Ҳа» ёки «Йўқ».)

6. Ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширишингда илгари судланган танишларингнинг таъсири бор деб ўйлайсанми? («Ҳа» ёки «Йўқ».)

Сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, болалар ва ўсмирлар ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишда ташқи таъсирларнинг ўрнини очиқ-ойдин тан олмаганлари намоён бўлди. Шунинг учун вояга етмаганлар томонидан содир этилган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг ихтиёрий ёки бошқа таъсирлар остида содир этилганлик ҳолатини таҳлил қилишда қўзғатилган процессуал иш ҳужжатлари маълумотларидан фойдаланиш яхши натижа берганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Олинган статистик маълумотларнинг кўрсатишича, республикада болалар ва ўсмирлар томонидан содир этилган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг чорак қисми катталарнинг иштироки ёки таъсири остида амалга оширилган.

Мавзунинг бугунги кунда жамиятимизда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларни олдини олишдаги долзарблиги қуйидагилар билан ўзаро боғлиқ:

биринчидан, ислохотлар натижасида шакллантирилган профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти борасидаги имкониятларининг тўлиқ ишламаётганлиги;

иккинчидан, ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўлим (бўлинмаси)ларини фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш соҳасида зиддиятлар ва муаммоларнинг мавжудлиги;

учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлим (бўлинма)ларининг ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш, уни мувофиқлаштириш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек амалга ошириш соҳасида муаммоларнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш заруратининг мавжудлиги;

бешинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимларининг таъқиқланган екинларни етиштириш жиноятчилигининг олдини олиш фаолиятида, турли хил уларга имкон бераётган шарт-шароитларининг кўплиги;

олтинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари фаолиятини ташкилий-тактик таъминлаш соҳасида муаммоларнинг мавжудлиги ва ҳ.к.

Бундан ташқари профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг таъсирчан мезонларини жорий этиш белгиланган. Бу мезонларни ишлаб чиқишда қуйидаги вазифалар курсатиб ўтилган:

биринчидан, жамоатчилик фикри, уларнинг фаолият натижаларидан фуқароларнинг каноатланиши ҳамда аҳоли билин ҳамкорлик даражасини ҳисобга олиш;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимларининг республика, ўрта ва қуйи поғоналари фаолиятини сифат жиҳатдан янги тартибини ўргатиш, бунда уларнинг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш ва чегаралаш, профилактика инспекторлари зиммасига улар фаолиятига хос бўлмаган функциялар юклатилишига йўл қўймаслик;

учинчидан, профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш;

тўртинчидан, ушбу соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг тарғиб этиш, профилактика инспекторларининг билим даражаси ва касбий таёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароитларини яратиш, уларнинг бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турор жойи билин таъминлаш, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлиги учун моддий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти бир-бири билан боғлиқ бўлган қуйидагиларни ўз ичига олади:

профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятига оид таълимотларидан иборат назарий асослари; профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга

бўлган шахслар билан ишлаш фаолияти таъминловчи субъектлардан иборат институтчионал асослари

профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини белгиловчи хамда тартибга солувчи нарматив- хуқуқий хужжатлардан иборат хуқуқий асослари

профилактика инспекторларининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида жалб этилган куч ва воситалар, уларни қоллаш шакл ва усулларидан иборат ташкилий- тактик асослари.

профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятида режа асосида вазиятдан келиб чиқиб, уларга ижтимоий ёндашиб, ташаббускорлик билан ижросини таъминлаши ва борада ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлаш да бошқа субъектларнинг хамкорлигидан унумли фойдаланиши лозим.

Хар қандай дарахтнинг илдизи бўлгани каби, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг хам келиб чиқиш сабаблари, бошланиш нуқтаси бўлади, хулқ-атвор инсонда болалик чоғидан шаклланиб боради, инсон атрофидагилардан ота-онасидан, оиласидан намуна олган холда вояга етиб ўзида олган тарбиясига қараб хаётга, инсонларга бшлган муносабатини шакллантиради. Ўзбекистонда махаллага ижтимоий мухитнинг кичик бўлаги сифатида қаралади. Юртимизда махаллага хаётимизнинг энг тухим қисми сифатида қаралади, бир болага етти махалла ота-она деб бекорга айтилмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлашда индивидуал таъсир этиш йўли ёрдам бера олмаслиги мумкин аммо кўпчиликнинг таъсири остида кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар ишлаш фаолияти хозирги кундаги долзарб масалалардан бўлиб 2014-йил 14-майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида унинг асосий тушунчалари келтириб ўтилган. Унга мувофиқ:

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — хуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;



Ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;¹

Ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи — жисмоний, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

Профилактика инспекторининг ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган шахслар ишлаш фаолияти кўплаб тоифадаги шахслар билан ишлаши мумкин.

Булар:

1-Алкогол махсулотлари истеъмол қилувчи шахслар,

Мунтазам равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи ва шу алкоголь махсулотларга тобе бўлиб қолган шахслар, ушбу тоифадаги шахсларнинг иродаси бўш бўлиб ўз хатти-ҳаракатларини ҳар доим ҳам назорат қила олишмайди.

2-Енгил табиатли аёллар

Ўзининг хулқ-атвори билан одоб ахлоқ қоидаларини бузувчи, шунингдек моддий манфаатни кўзлаган ёки кўзламаган ҳолда ўз танасини сотувчи аёл.

3-Илгари судланган аммо тузалиш йўлига кирмаганлар

Суд томонидан жазо тайинланиб ижро этилган бўлишига қарамай бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармаган шахслар

4-Оилавий жанжалкашлар

Юқори даражада нотинч, ўзига ишонмаган, жаҳли тез чиқувчи ва тез ҳулоса қилувчи, маънавий-ахлоқий тарбиянинг етарли бўлмаган, ҳуқуқий билим савиясининг паст бўлган инсонлар.

5-Ўзининг ғайриижтимоий хулқ атвори билан ажралиб турувчи шахслар

Ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуқбузарлик содир этмаса ҳам аммо ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёки ҳуқуқбузарлик ҳолатини келтириб чиқарувчи шахслар.

6-Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни истеъмол қилувчи шахслар

¹ 2014-йил 14-майдаги ЎРҚ-371-сонли "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунни

Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни истеъмол қилувчи ва ушбу юьорида кўрсатиб ўтилган моддаларга қарам бўлиб қолган, иродаси заиф бўлган шахслар.

7-Ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган аммо очикда юришлари белгиланган шахслар

Ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар аммо шахсий кафиллик ёки бошқа турдаги сабабга кўра очикда юришлари тайинланган шахслар.

8-Маъмурий ҳуқуқбузарлар

Ўзининг хатти-харакатлари билан у ёки бу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар.

9-Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар

Ҳали маъмурий жавобгарлик ёшига тўлмаган аммо у ёки бу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар

Шу билан биргаликда профилактика инспектори сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган шахслар билан фаолиятини ташкил этишда бир қанча жиҳатларига диққатини қаратмоғи зарур. Сабаби, ушбу салбий иллатлар домига дучор бўлган шахслар руҳиятига кескин ўзгаришлар юзага келади: хулқидаги юқори агрессивлик, яккаланиш, ёлғизликка интилиш, инсонлар билан муносабатларга киришишдан қочиш, ҳиссиётларга тез берилиш, тушкунлик кайфиятининг доимийлиги, ўз-ўзини назорат қила олишнинг етарли эмаслиги, ўзига ишончсизлик, юқори даражада руҳий озорланиш ва бошқалар. Профилактика инспекторлари ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш жараёнида муомала қонуниятларига риоя этиш лозим.

Ғайриижтимоий хулқ – можароли хулқ бўлиб, доимо жамиятда, ижтимоий гуруҳларда, шахс билан ижтимоий гуруҳ, айрим шахслар ўртасида ва, ниҳоят, шахснинг ўзидаги ички зиддиятларга асосланган.

Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шаклланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шарт-шароитларга қуйидагилар киради: қадриятлар тизими; ахлоқий йўналганлик; хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари; ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари. Ғайриижтимоий хулқ-атворга ега бўлган шахслар хулқ-атворига хос психологик хусусиятлар: зўравоннинг тажовузкор хулқи дарҳол юзага келиб, ўз талабларининг бажаришларини хоҳлайди; ўз жаҳлини бошқара олмайди, психологик зўриқишпайтида ўзини назорат қилмайди; хавотирлик ва асабийлик ҳолатини бошқара олмаслиги, тажовузкор хулқ-атворига сабабчи бўлади; ўз айбини тан олмасдан, бошқаларга юклайди ва ўзини “жабрланувчи” деб эътироф этади. Содир



этган қилмишининг оқибатларини англамайди; ҳар қандай танқидни кўтара олмайди ва ўзи содир этган қилмишни ҳуқуқбузарлик эканлигини тан олмайди. Ўзини оқлашга ҳаракат қилади; мулоқотдавомида ҳечкимга меҳр-шафқат кўрсатмайди ва мулоқотдан ўзини олиб қочади; спиртли ичимликлар гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиши унинг тажовузкорлигини янада оширади.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги кунда ички ишлар органлари ғайриижтимоий ҳулқ-атворга эга бўлган шахслар билан ишлашда нафақат ўзини ўзи боўқариш органи бўлмиш маҳалла билан бошқа орган ва ташкилотлар билан ҳам кенг қамровли ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу борада мисолни фуқаролар йиғини ҳузуридаги вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия билан спорт соҳасида ҳамкорликда ишларини ҳамда меҳнат органлари билан олиб бораётган ҳамкорлигини мисол тарзида келтира оламиз. Профилактика инспекторлари ва маҳалла йиғини ташаббуси билан турли спорт тадбирлари уюштириш орқали ҳам соғлом муҳит ва уюшмаган ёшларни спортга жалб қилиш каби ҳаракатларни олиб бормоқда.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
6. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция // БМТ Бош Ассамблеяси 20 ноябрь 1989 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2016 № 38. – 438-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2014. – № 20. – 221-м.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги 2016 йил 14 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2016 й, 37-сон, 426-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» ги 2017 йил 11 сентябрь қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т– 2017.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ги 2014 йил 5 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2014. № 19–209-м.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2021.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2017. № 6–70-м.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2021.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва

жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-5050-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами Т-2021.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2833-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами Т–2017 № 12– 134-м.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. Т-2017 № 15– 243-м.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-2883-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами Т-2017. № 15–247-м.

19. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. [http:// akadmvd.uz](http://akadmvd.uz) (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси)
2. [http:// lex.uz](http://lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
3. [http:// www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) (Ахборот таълим тармоғи)
4. [http:// www.tsul.uz](http://www.tsul.uz) (Тошкент Давлат Юридик Университети)
5. <https://gazeta.uz/uzc/news/uzbnews>
6. <https://stat.uz>